

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРМАНОВ АСКАР БАСИМОВИЧ

**КАРБОН КИСЛОТАЛАРНИ ВИНИЛЛАШ РЕАКЦИЯЛАРИ,
ОЛИНГАН БИРИКМАЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.03 - Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Парманов Аскар Басимович

Карбон кислоталарини виниллаш реакциялари, олинган
бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиши..... 3

Парманов Аскар Басимович

Винилирование карбоновых кислот, свойства и применение
полученных соединений..... 21

Parmanov Askar

Vinylation of carboxylic acids, properties and application of the obtained
compounds 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРМАНОВ АСКАР БАСИМОВИЧ

**КАРБОН КИСЛОТАЛАРИНИ ВИНИЛЛАШ РЕАКЦИЯЛАРИ,
ОЛИНГАН БИРИКМАЛАРНИНГ ХОССАЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

02.00.03 - Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/К69. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада (www.ik-kimyo.nuuz.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурманов Сувонкул Эрханович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдухамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Матчанов Алимжан Давлатбоевич
кимё фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-07-88, факс: (+99871) 246-02-24.; e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, к.ф.д. профессор

Д. А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, к.ф.д.

А.К. Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда кимё саноатига замонавий технологияларни киритиш орқали янги турдаги органик бирикмалар синтез қилиш, улар асосида ноёб хоссаларга эга полимер ва пластик материаллар, эритувчилар, фунгицидлар, стимуляторлар, антибиотиклар, гормонлар, елим ва бўёқлар яратиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Мана шундай бирикмалар қаторига карбон кислоталарнинг мураккаб винил эфирларини киритишимиз мумкин. Сўнги йилларда жаҳонда органик кимё соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси таҳлили молекуласида винил гуруҳи тутган моддалар асосида биологик фаол ҳамда турли-туман моддалар синтез қилиб олинмоқда. Бу эса кимё соҳасини янада ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда бугунги кунда муҳим масалалардан бири гомоген ва гетероген-каталитик системалар ёрдамида карбон кислоталарнинг винил эфирларини синтез қилиш, маҳсулот унумини оширишнинг юқори самарали усулларини ишлаб чиқиш, карбон кислоталарнинг винил эфирлари тузилиши ва хоссаларини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларида аниқлаш, улардан биокоррозия жараёнига қарши биоцидлар, қишлоқ хўжалигида биостимуляторлар сифатида қўллаш бўйича бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Республикамизда кейинги йилларда кимё саноатида янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишда илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва маҳаллий бозорни импорт ўрнини боса оладиган кимёвий препаратлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош маҳсулотларни ҳам табиий хом ашёлардан органик синтез асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган¹. Бу борада гидроксид ва ароматик карбон кислота винил эфирларининг синтези, тузилишини аниқлаш ҳамда биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари», 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Карбон кислоталарнинг винил эфирлари кимёси, физикаси, технологияси ва қўлланилиши бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожланмоқда.

Республикада ацетилен бирикмалари кимёси соҳасида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борган, жумладан Т.С.Сирлибоев ацетилен асосида борадиган кимёвий жараёнларнинг фундаментал назарий қонуниятларини яратган. Д.А.Юсупов раҳбарлигида ацетилен углеводородлари асосида янги комплексонлар, ионалмашинувчи смолалар, туз қатлам ва коррозияга қарши ингибиторлар синтез қилинган ва уларни саноатда қўллаш жорий этилган. А.Г.Махсумов раҳбарлигида пропаргил спирти асосида турли хил тузилишдаги мураккаб гетероциклик бирикмалар синтез қилинган ва уларнинг тиббиётда қўлланилиш соҳалари аниқланган. А.Икромов ацетилен углеводородлари кимёсида турли хил гетероген-каталитик системаларни қўллаш орқали маҳсулот унумини оширишга эришган ва янги катализаторларни саноатда қўллашга жорий этган. О.Э.Зиядуллаев томонидан турли усуллар ёрдамида ароматик ацетилен спиртлари ва уларнинг винил эфирлари синтези амалга оширилган.

Хорижда ушбу йўналишда У.Реппе, Б.А.Трофимов ва Ж.Ж.Кеижспернинг илмий ишлари карбон кислоталарнинг винил эфирларини каталитик системалар асосида синтез қилишга бағишланган. Ф.М. Киммих бензой кислотани ацетилен билан гетероген-каталитик усулда платина катализатори иштирокида синтез қилиш технологиясини яратиш, Э.Дрент тармоқланган карбон кислоталари ва ацетилендан рутений, кадмий, мис тузлари катализаторлари иштирокида юқори босим остида винил эфирларни синтез қилиш, хитойлик олим Жун Гао винил бензоатни углеродга юттирилган платина катализаторлари иштирокида винилацетатдан винил алмашиниш реакцияси орқали синтез қилиш, Э.Т. Тостенсон углерод нанотрубка/винил эфирларнинг нанокомпозитларини синтез қилиш, М.Л.Давис винил эфирларнинг циклопропанланиш жараёнини, С.Харрисон винил эфирларнинг полимерланиш жараёнини, Ш. Жасавл винил эфир асосидаги резиналарнинг декомпозитланиш жараёнини ўрганиш орқали ушбу йўналишнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг МУ-ФЗ-20171025111 «Карбон кислоталарни виниллашнинг илмий асослари ва олинган бирикмаларни хоссалари» (2018-2019 йй.) ва ОТ-Ф7.52 «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари

ва реакция қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш» (2017-2019 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли карбон кислоталарни виниллаш реакцияларини ўрганиш, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ва уларнинг қўлланиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидрокси ва икки асосли карбон кислоталар: 2-гидрокси этан кислота, 2-гидрокси пропион кислота, 2-гидрокси-2-фенил этан кислота, глутар ва адипин кислоталарни рух ацетат, мос равишдаги карбон кислотанинг рухли тузи ва кам миқдорда Льюис кислоталари: $ZnCl_2$, $CrCl_3$, $FeCl_3$, $AlCl_3$ ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлари иштирокида гомоген шароитда ацетилен билан виниллаш жараёнини олиб бориш;

турли ўринбосар тутган бензой кислота билан винилацетатнинг 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокидаги реакцияси орқали винил эфирлар синтез қилиш;

турли ўринбосар тутган ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирларини кислота ангидридига винилацетат реакциясидан синтез қилиш, жараён боришига бошланғич моддалар моль нисбатлари таъсирини аниқлаш;

синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини замонавий физик-кимёвий тадқиқот усулларида исботлаш ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашларини амалга ошириш ва таҳлил қилиш;

синтез қилинган бирикмаларни металл конструкциялар биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши ингибиторлик ва ўсимликлар ўсишини бошқариш хоссаларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида айрим гидрокси-, ди- ва ароматик карбон кислоталари, уларни виниллаш ҳамда винилацетат билан винил алмашилиш реакциялари, карбон кислоталарнинг моно ва дивинил эфирларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети гликол, миндаль, сут, глутар, адипин ва ароматик карбон кислоталари асосидаги винил эфирлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини олиб боришда гомоген-каталитик реакциялар, ИҚ-, 1H ва ^{13}C -ЯМР спектроскопия, Хромато-масс спектрометрия усуллари ҳамда квант-кимёвий ҳисоблашлар усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гликол, сут, миндаль гидрокси кислоталарини ҳамда икки асосли глутар ва адипин кислоталарни гомоген шароитда ацетилен билан виниллаш реакцияси рух ацетат, карбон кислоталарнинг рухли тузи билан биргаликда кам миқдордаги Льюис кислоталари: $ZnCl_2$, $CrCl_3$, $FeCl_3$, $AlCl_3$ ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ иштирокида бориши асосланган;

турли ўринбосар тутган бензой кислота ангидридлари билан винилацетатнинг калий учламчи бутилат иштирокидаги реакциясида винил эфирлар ҳосил бўлиши исботланган;

илк бор таркибида турли ўринбосар тутган бензой кислоталарнинг винилацетат билан реакцияси 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида амалга оширилиши ишлаб чиқилган;

гидрокси карбон кислоталарни виниллаш реакциясида махсулот унумининг бошланғич моддалар ва катализатор табиатига боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гликол, сут, миндаль кислоталарининг винил эфирлари ҳамда глутар ва адипин кислоталарнинг эса моно- ва дивинил эфирларини синтез қилиш усули яратилган;

винилацетат асосида бензой кислотасининг турли ўринбосарлар тутган ҳосилалари винил эфирларини мос равишдаги кислота ангидридидан ҳамда 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилган;

синтез қилинган айрим винил эфирларни нефть саноати металл қурилмаларини биокоррозиясига қарши ингибиторлик хоссалари ҳамда кишлоқ хўжалиги ўсимликлар ўсишини бошқариш хоссалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий тадқиқот ишларида замонавий ИҚ-, ^1H - ва ^{13}C -ЯМР-спектроскопия, Хромато-масс спектрометрия, квант кимёвий ҳисоблашлар ва бошқа тадқиқот усулларидадан фойдаланилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тизимли тарзда гидрокси карбон кислоталарни ацетилен билан виниллаш реакциясининг тадқиқ қилиниши ҳамда турли ўринбосар тутган бензой кислота ҳосилаларининг винилацетат билан реакциясидан винил эфирлар синтез қилиниши, уларнинг тузилиши ИҚ-, ^1H -, ^{13}C -ЯМР спектроскопия ва Хромато-масс спектрометрия усуллари ёрдамида изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, гидрокси ва икки асосли карбон кислоталарнинг винил эфирларини ацетилен билан гомоген-каталитик виниллаш усулида ҳамда ароматик халқада турли ўринбосар тутган ароматик карбон кислоталарни 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида синтез қилиш усуллари ишлаб чиқилганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг нефть-газ саноати қурилмалари биокоррозиясига қарши ингибитор сифатида ва ўсимликлар ўсишини бошқариш хоссаларига тавсия этилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Карбон кислоталарни виниллаш реакцияси ҳамда винилацетатдан винил эфирлар синтези бўйича олинган натижалар асосида:

дивиниладипинат ва винил-2-гидрокси пропианат моддалари Навоий вилояти Қизилтепа тумани фермер хўжаликлари ер майдонларида кузги буғдой ўсимлиги биостимулятори сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 27 ноябрдаги 02/025-3934-сон маълумотномаси). Натижада уларнинг қўлланилиши буғдой ўсимлиги ҳосилдорлигини ўртача 3,2 ц/га ошириш имконини берган;

ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирларини винилацетат ва 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида синтез қилиш усули Лодзь

политехника университетининг (Польша) илмий тадқиқотларида қўлланилган (Лодзь политехника университетининг 2019 йил 28 октябрдаги маълумотномаси). Натижада янги органик бирикмалар синтез қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола республика, 2 та мақола хорижий ва халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар тўғрисида ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ацетилен кимёсидаги янги йўналиш, этиниллаш ва виниллаш реакциялари**» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар йиғилган ва таҳлил қилинган. Олинган маълумотлар умулаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган. Маълумотлар таҳлили асосида диссертация илмий ишининг асосий йўналиши, мақсади ва вазифалари, долзарблиги белгилаб олинган.


Диссертациянинг «**Карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтези методикаси**» мавзусидаги **иккинчи бобида** тадқиқотларда қўлланилган бошланғич моддалар тўғрисидаги маълумотлар, карбон кислоталарни гомоген-каталитик усулда виниллаш методикаси, ароматик карбон кислота винил эфирларини карбон кислота ангидриди билан винилацетатдан синтез қилиш ва 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида бензой кислота ҳосилаларининг винил ацетат билан реакциясидан винил эфирлар синтези усуллари методикаси келтирилган. Ундан ташқари синтез қилинган винил бирикмалар тузилишини аниқлашда қўлланилган усуллар тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилган.

Диссертация ишининг «**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Карбон кислоталарини виниллаш реакциялари**» номли **учинчи бобида**

гидроксид ва икки асосли кислоталарни виниллаш реакциялари натижалари ва уларни таҳлили келтирилган.


2-Гидроксид этан кислотани (гликол кислота) виниллаш реакцияси тадқиқ қилинди. Унинг ишлатилиш соҳалари кислоталик хоссаси ва биологик фаоллигига асосланган бўлиб, молекуласига винил гуруҳи киритилиши кислота кучини камайишига ва биологик фаоллигини ошишига таъсир этади.

Гликол кислотани виниллаш жараёни гомоген-каталитик усулда ДМФА эритмасида гликол кислотанинг рух тузи ва унинг массасига нисбатан 10% Льюис кислоталари $ZnCl_2$, $CrCl_3$, $FeCl_3$, $AlCl_3$ ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлари иштирокида олиб борилди.



Олинган гликол кислотанинг винил эфири тузилиши ИҚ-спектр таҳлили ёрдамида исботланди.

Гликол кислотанинг винил эфири ИҚ-спектрида (1-расм) гидроксид гуруҳига (ОН) хос сигнал 3439 cm^{-1} соҳада, метилен (CH_2) гуруҳига хос валент тебраниш 2930 cm^{-1} соҳада, карбонил ($C=O$) гуруҳига хос сигнал 1722 cm^{-1} соҳада кўринди. Мураккаб эфир гуруҳининг ($C-O-C$) тебраниш частотасига хос валент тебранишлар 1254 cm^{-1} соҳада намоён бўлди, 890 cm^{-1} соҳада $=CH_2$ гуруҳига хос деформацион тебраниш, 1406 cm^{-1} соҳада $=CH$ гуруҳига хос валент тебраниш, 1658 cm^{-1} соҳада эса винил гуруҳига ($-CH=CH_2$) хос валент тебранишлар намоён бўлиши кузатилди.



1-Расм. Гликол кислота винил эфири ИҚ-спектри

Жараёнга ҳарорат ва катализатор табиати таъсири ўрганилди (1-жадвал).

Гликол кислотанинг винил эфири унуми катализатор таркиби ва ҳароратга боғлиқ равишда ўзгаради. Реакция ҳарорати 80 дан 120 °C гача ошиб борганда маҳсулот унуми 22 дан 73 % гача ортади. Ҳароратнинг янада оширилиши маҳсулот унумини нисбатан камайишига олиб келади. Гликол кислотани виниллаш жараёни учун $Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$ иштирокида мақбул ҳарорат 120 °C эканлиги аниқланди, бунда гликол кислота винил эфири унуми 73 % ни ташкил этди.


Гликол кислотани виниллаш жараёнига катализатор табиати ва ҳарорат таъсири (катализатор- гликол кислотанинг рухли тузи ва унга нисбатан 10 % хлорид тузлари, эритувчи-ДМФА, реакция давомийлиги-2 соат)

Ҳарорат, °С	Катализатор	Гликол кислотанинг винил эфири унуми, %
80	$Zn(HOCH_2COO)_2 + ZnCl_2$	22
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + CrCl_3$	31
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + FeCl_3$	44
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3$	40
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$	53
100	$Zn(HOCH_2COO)_2 + ZnCl_2$	34
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + CrCl_3$	41
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + FeCl_3$	59
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3$	52
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$	63
120	$Zn(HOCH_2COO)_2 + ZnCl_2$	42
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + CrCl_3$	51
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + FeCl_3$	66
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3$	61
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$	73
140	$Zn(HOCH_2COO)_2 + ZnCl_2$	37
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + CrCl_3$	41
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + FeCl_3$	52
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3$	46
	$Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$	62


Реакция давомийлиги ортиб бориши билан (1-6 соат) гликол кислота винил эфири унуми максимум орқали ўтади. $Zn(HOCH_2COO)_2 + AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлигида 1-4 соат давомида винил эфир унуми мос равишда 52,0 дан 84,0 % гача ортади.

2-Гидрокси пропион кислота (сут кислота) кенг тарқалган гидрокси кислоталардан ҳисобланиб, ферментация ёки кимёвий синтез орқали олинадиган табиий органик кислотадир. Дунё бўйича сут кислота ишлаб чиқариш йилига 40000 т ни ташкил этади ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва оралиқ кимёвий модда сифатида саноатда кенг миқёсда ишлатилади.


Ишда сут кислотани гомоген каталитик усулда виниллаш жараёни амалга оширилди. Реакция ДМФА эритмасида рух ацетат ва унинг массасига нисбатан 10% Льюис кислоталари $ZnCl_2$, $CrCl_3$, $FeCl_3$, $AlCl_3$ ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлари иштирокида амалга оширилди. Жараён 80-140 °С да сут кислотасининг ДМФА-катализатор системасидаги эритмасидан ацетилен ўтказиш орқали олиб борилди. Реакциянинг умумий схемаси қуйидагича:




Реакция механизми қуйидагича таклиф этилади. Дастлаб рух ацетат ацетилен билан таъсирлашиб π -комплекс ҳосил қилади.




Ҳосил бўлган π -комплексдан ацетиленнинг битта π -боғи узилиб σ -комплекс- винил ацеторух катиони ва сирка кислота аниони ажралади.



Сут кислота карбонил гуруҳидаги кислородда электрон зичлик юқори бўлганлиги сабабли кислород қисман манфий зарядланади ва у ацеторух катиони билан ўзаро таъсирлашади.




Ҳосил бўлган сут кислота винил эфирининг ацеторухли бирикмаси β -элиминацияга учраб сут кислотанинг винил эфири ва ацеторух катионини ҳосил қилади ва у ўз навбатида сут кислота молекуласи билан юқоридаги схема асосида таъсирлашиб жараён давом этишини таъминлайди.



Олинган сут кислотанинг винил эфири тузилиши ИҚ-, ^1H - ва ^{13}C -ЯМР - спектр таҳлиллари ёрдамида исботланди.


Сут кислота винил эфирининг ^1H -ЯМР-спектрида (2-расм) винил гуруҳи ($-\text{CH}=\text{CH}_2$) таркибидаги водород атомининг ($\text{CH}=\text{}$) сигнали 7.22 м.у. соҳада, 4.8-4.5 м.у. соҳаларда $\text{CH}_2=$ даги водородларнинг, 4.323 м.у. соҳада $\text{CH}-\text{OH}$ даги водород атоми, метил гуруҳ таркибидаги (CH_3) водород атомлари эса 2.03 м.у. соҳада кузатилди.



2-Расм. Сут кислота винил эфирининг ^1H -ЯМР –спектри

Сут кислота винил эфирининг ^{13}C -ЯМР спектрида (3-расм) карбоксил гуруҳининг углерод атоми 169.4 м.у. соҳада, $\text{CH}-\text{OH}$ таркибидаги углерод

атоми 67 м.у. соҳада, метил гуруҳдаги углерод атоми эса 20.5 м.у. соҳада кузатилди. Винил гуруҳи таркибидаги углерод атомлари 142.4 (CH=) -97.8 (CH₂=) м.у. соҳаларда кузатилди.



3-Расм. Сут кислота винил эфирининг ¹³C-ЯМР –спектри

Сут кислотани виниллаш жараёни турли табиатли катализаторлар иштирокида 80-140 °С оралиғида ўрганилди (2-жадвал).

2-Жадвал

Сут кислотани виниллаш жараёнига катализатор табиати ва ҳарорат таъсири (Катализатор -кислота массасига нисбатан 10% рух ацетат ва унга нисбатан 10 % металл хлорид тузлари, реакция давомийлиги 2 соат, эритувчи-ДМФА)


Ҳарорат, °С	Катализатор	Сут кислотанинг винил эфири унуми, %
80	Zn(CH ₃ COO) ₂ +ZnCl ₂	24
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +CrCl ₃	33
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +FeCl ₃	47
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃	49
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃ ·6H ₂ O	57
100	Zn(CH ₃ COO) ₂ +ZnCl ₂	34
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +CrCl ₃	42
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +FeCl ₃	59
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃	54
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃ ·6H ₂ O	66
120	Zn(CH ₃ COO) ₂ +ZnCl ₂	43
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +CrCl ₃	53
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +FeCl ₃	67
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃	63
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃ ·6H ₂ O	75
140	Zn(CH ₃ COO) ₂ +ZnCl ₂	36
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +CrCl ₃	40
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +FeCl ₃	49
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃	42
	Zn(CH ₃ COO) ₂ +AlCl ₃ ·6H ₂ O	58

Винил эфир унуми катализатор таркиби ва ҳароратга боғлиқ равишда ўзгаради. Реакция ҳарорати 80 дан 120 °С гача ошиб борганда маҳсулот унуми 24 дан 75 % гача ортади. Қўлланилган каталитик системалар сут кислотаси винил эфири синтезига нисбатан қуйидаги фаоллик қаторини ташкил этади: $ZnCl_2 < CrCl_3 < FeCl_3 < AlCl_3 < AlCl_3 \cdot 6H_2O$. Улар иштирокида винил эфирининг максимал унуми мос равишда 43; 53; 63; 67 ва 75% га тенг.

Гидрокси кислоталар органик синтезнинг муҳим объектларидан ҳисобланади. Молекуласида карбоксил ва гидроксил гуруҳи мавжудлиги улар молекуласида турли хил кимёвий ўзгартиришлар имконини беради.

Виниллаш реакцияси гомоген усулда гидроксил гуруҳли моддаларда ишқорий катализаторлар иштирокида, карбоксил гуруҳли моддаларда эса карбон кислоталарнинг руҳ ёки кадмийли тузи катализатори иштирокида боради. Гетероген усулда эса катализатор сифатида фаоллантирилган кўмир, алюминий оксиди ва бошқа ташувчиларга шимдирилган руҳ ацетат, кадмий ацетат ёки мос равишдаги карбон кислоталарнинг руҳли тузларидан фойдаланилади.

Миндаль кислотани гомоген каталитик усулда виниллаш реакцияси ДМСО эритмасида миндаль кислотанинг руҳ тузи ва миндаль кислотанинг руҳ тузи билан $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ сокатализаторлигида эритмадан ацетилен ўтказиб турилган ҳолатда олиб борилди. Реакция схемаси қуйидагича:



Синтез қилинган миндаль кислотанинг винил эфири тузилиши ИҚ-спектр таҳлили ёрдамида исботланди. Винил эфир ИҚ-спектрини миндаль кислота спектрига солиштириш шуни кўрсатадики, водород боғи ҳисобига гидроксил гуруҳига хос ютилиш соҳасининг кенгайиши ва карбонил гуруҳи ютилиш соҳасининг интенсивлиги пасайиши ва 4 см^{-1} бирлик соҳага сурилганлиги кузатилди. Винил гуруҳига хос ютилиш чизиғи эса $1663,14 \text{ см}^{-1}$ соҳада кузатилди.

Миндаль кислотани виниллаш жараёни ишлаб чиқилган турли катализаторлар иштирокида ўрганилди (3-жадвал).

3-Жадвал

Миндаль кислота винил эфири унумига катализатор табиати таъсири (Ҳарорат 120 °С, реакция давомийлиги-2 соат, эритувчи-ДМСО)

Катализатор	Миндаль кислота винил эфири унуми, %
$(\text{C}_6\text{H}_5\text{CH}(\text{OH})\text{COO})_2\text{Zn}$	65.9
$(\text{C}_6\text{H}_5\text{CH}(\text{OH})\text{COO})_2\text{Zn} + \text{AlCl}_3$	67.2
$(\text{C}_6\text{H}_5\text{CH}(\text{OH})\text{COO})_2\text{Zn} + \text{AlCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$	79.8

Қўлланилган ушбу катализаторлар миндаль кислота винил эфири синтези учун нисбатан юқори фаоллик намоён қилиши аниқланди. $(\text{C}_6\text{H}_5\text{CH}(\text{OH})\text{COO})_2\text{Zn} + \text{AlCl}_3 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ катализатори ўрганилган жараён учун энг

фаол ҳисобланади. У иштирокида миндаль кислота винил эфирининг максимал унуми 79.8% ни ташкил этади.

Миндаль кислотанинг винил эфири унумига ҳарорат таъсири тадқиқ қилинди. Реакция ҳарорати 80 дан 120 °С гача ошиб борганда маҳсулот унуми 45,8 дан 65,9% гача ортади. Натижалар таҳлили асосида миндаль кислотани виниллаш жараёни учун мақбул ҳарорат 120 °С ни бўлиши аниқланди ва маҳсулот унуми 65,9 % бўлишига эришилди. Жараёнга реакция давомийлиги таъсири 120 °С ҳароратда миндаль кислотанинг рух тузи ва миндаль кислотанинг рух тузи+AlCl₃·6H₂O катализаторлигида ўрганилди (4-жадвал).

4-Жадвал


Миндаль кислота винил эфири унумига реакция давомийлиги таъсири (ҳарорат 120 °С, Эритувчи-ДМСО)

Реакция давомийлиги, соат	Миндаль кислотанинг винил эфири унуми, %	
	катализатор миндаль кислотанинг рух тузи	катализатор миндаль кислотанинг рух тузи+AlCl ₃ ·6H ₂ O
1	48,7	56,5
2	65,9	79,8
3	69,7	83,2
4	71,1	84,4
5	69,8	82,9
6	67,2	81,1


Жараёнда реакция давомийлиги ортиб бориши (1-4 соат) билан миндаль кислота винил эфири унуми ҳам мос равишда 48,7 дан 71,1 % гача ортиб боради. Реакция давомийлигининг янада ортиши маҳсулот унумининг камайишига олиб келади. Катализатор таркибига AlCl₃·6H₂O киритилиши катализаторнинг фаоллигини янада оширади, яъни у катализатор промотори вазифасини бажаради. Янги таркибли катализатор иштирокида миндаль кислотанинг винил эфири унуми 1-4 соат вақт давомида 56,5 дан 84,4% га ортиб боради.

Ишда синтез қилинган гидроксид кислоталарнинг винил эфирларини нефть-газ саноати қурилмаларини биокоррозияга учратувчи микроорганизмлар *Pseudomonas putida*, *Desulfotomaculum* sp., *Thiobacillus thioparus*, *Thiobacillus thiooxidans*, *Desulfomaculium*, *Basillus* sp. ларга қарши биологик фаоллиги ЎзР ФА Микробиология институти ходимлари билан ҳамкорликда ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида гликол кислота винил эфири биокоррозия келтириб чиқарувчи микроорганизмларни 86% нобуд қилиши, миндаль кислота винил эфири эса 90% нобуд қилиши аниқланди ва нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланилаётган металл қурилмаларида биокоррозия жараёнини келтириб чиқарувчи микроорганизмлар-бактерия ва замбруғларга қарши ингибитор сифатида тавсия қилинди.

Икки асосли карбон кислоталар— глутар ва адипин кислоталарни гомоген усулда диметилформамид (ДМФА) эритмасида рух ацетат (карбон кислота массасига нисбатан 10%) ва $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ (рух тузи массасига нисбатан 10%) катализаторлари иштирокида 80-130 °C ҳароратда виниллаш реакцияси орқали уларнинг моно - ва дивинил эфирлари синтез қилинди. Таъкидлаш керакки, дивинил эфир ҳосил бўлиши моновинил эфир ҳосил бўлиши орқали амалга ошади. Реакция қуйидаги схема асосида боради.



Ҳосил бўлган кислотанинг моновинил эфири катализатор иштирокида ацетилен билан таъсирлашиб дивинил эфирни беради.



Глутар ва адипин кислоталарни моно ва дивинил эфирларининг тузилиши ИҚ-, 1H -, ^{13}C -ЯМР спектроскопия ва хромато-масс спектрометрия таҳлиллари ёрдамида исботланди ва айрим физик доимийликлари аниқланди.

Глутар кислотанинг моно винил эфири. ИҚ-спектр, cm^{-1} : 3439 (OH), 2930 (CH_2), 1722 ($-C=O$), 1652 ($-CH=CH_2$), 1386 (CH_2), 1254 (C-O-C). 1H -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у., J, Гц): 7.44 (1H, дд, J= 14.8, 7.8 Гц, CH=), 5.12 (1H, дд, J=14.8, 2.3 Гц, = CH_2), 5.0 (1H, дд, J= 7.8, 2.3 Гц, = CH_2), 2.34-2.39 (4H, 2.36 (т, J= 7.4 Гц, $-CH_2$), 2.37 (т, J=7.4 Гц, $-CH_2$)), 1.81 (2H, м, J= 7.4 Гц). ^{13}C -ЯМР (CD_3OD , δ , м.у.): 176.0 ($-COO-$), 174.0 ($-COOH$), 141.4 (CH=), 97.0 (=CH $_2$), 33.8 (CH_2), 30.5 (CH_2), 20.0 (CH_2). LC/MS: Agilent 6420 Triple Quad LC/MS: ҳисобланди m/z 158.16, $C_7H_{10}O_4^+$; топилди 159.73.


Глутар кислотанинг дивинил эфири. ИҚ-спектр, cm^{-1} : 2928-2868 (CH_2), 1722 ($-C=O$), 1667-1644 ($-CH=CH_2$), 1254-1090 (C-O-C). 1H -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.), : 7.44 (2H, дд, J= 14.8, 7.8 Гц), 5.12 (2H, дд, J=14.8, 2.3 Гц), 5.0 (2H, дд, J= 7.8, 2.3 Гц), 2.38 (4H, т, J= 7.4 Гц), 1.82 (2H, кв., J= 7.4 Гц). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 171.0 ($-COO-$), 141.0 (CH=), 98.5 (=CH $_2$), 34.7 (CH_2), 20.1 (CH_2). LC/MS: ҳисобланди m/z 186.197, $C_9H_{12}O_4^+$; топилди 186.9000.

Адипин кислотанинг моновинил эфири. ИҚ-спектр, cm^{-1} : 3439 (OH), 2931 (CH_2), 1722 ($-C=O$), 1662 ($-CH=CH_2$), 1062 (C-O-C). 1H -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 7.44 (1H, дд, J= 14.8, 7.8 Гц, $-CH=$), 5.12 (1H, дд, J=14.8, 2.3 Гц, =CH $_2$), 5.0 (1H, дд, J= 7.8, 2.3 Гц, =CH $_2$), 2.31-2.37 (4H, 2.34 (т, J= 7.4 Гц, $-CH_2-$), 2.33 (т, J=7.4 Гц, $-CH_2-$)), 1.52-1,6 (4H, тт, J= 7.5, 7.4 Гц, $-CH_2-$). ^{13}C -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 177.0 ($-COO-$), 170.8 ($-COO-$), 141.5 ($-CH=$), 98.6 (=CH $_2$), 34.9 ($-CH_2-$), 33.8 ($-CH_2-$), 25.0 ($-CH_2-$), 24.5 ($-CH_2-$). LC/MS: Agilent 6420 Triple Quad LC/MS: топилди 175.432.

Адипин кислотанинг дивинил эфири. ИҚ-спектр, cm^{-1} : 2945 ($-CH_2-$), 1749 ($-C=O$), 1645 ($-CH=CH_2$), 1462 (=CH $_2$, ур. теб.), 1132 (C-O-C), 947 ($-CH_2-$, деф. теб.). 1H -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 7.20 (2H, кв., J= 14.01, 6.28 Гц, CH=), 4.8 (2H, дд, J=6.33, 1.53 Гц, =CH $_2$), 4.5 (2H, дд, J= 6.33, 1.52 Гц, =CH $_2$), 2.38 (4H, т, J= 7.12 Гц, $-CH_2-$), 1.56 (4H, м, J= 7.0, 7.1 Гц, $-CH_2-$). ^{13}C -ЯМР (400

МГц, CD₃OD, δ, м.у.): 171.724 (-COO-), 142.328 (-CH=), 97.891 (=CH₂), 34.073 (-CH₂-), 24.881 (-CH₂-). LC/MS: Agilent 6420 Triple Quad LC/MS: 199.300.

Адипин кислота дивинил эфири хромато-масс спектрометрия усули билан тасдиқланди, бунда дивинил эфир молекуляр ион чўққиси 199.3000 га тенг бўлди (4-расм).




4-Расм. Адипин кислота дивинил эфири хромато-масс спектри


Диссертациянинг «Винилацетат асосида ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтези» деб номланган тўртинчи бобида турли ўринбосар тутган ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари катализатор иштирокида винилацетатдан синтез қилинган.

Турли ўринбосар тутган бензой кислота ангидридининг винил ацетат билан реакцияси калий учламчи бутилат иштирокида олиб борилди. Бунда мос равишда кислота винил эфирлари синтез қилинди. Жараён боришининг реакция механизми асосланди.

Дастлаб калий учламчи бутилатнинг нуклеофил ҳужуми таъсирида винил ацетат билан реакцияга киришиб сирка кислотанинг учламчи бутил эфири ва калий винилатни ҳосил қилади.




Калий винилат ва ангидрид орасидаги реакция натижасида мос равишдаги карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтез қилинди.



бу ерда R=H-, CH₃O-, CH₃-, F-, Br-, CF₃-, NO₂

Винил ацетат таркибидаги винилокси гуруҳининг ароматик карбон кислота ангидридлари билан реакцияси учламчи калий бутилат иштирокида ўтказилди. Винил эфирлар унумига моддалар табиати ва моль нисбатлари таъсирлари аниқланди. Бунда жараён унинг нуклеофил маркази ҳужуми

орқали бориши кўрсатилди. Дастлаб винилокси иони билан 4-метокси бензой кислота ангидридининг реакцияси амалга оширилди. 4-Метокси бензой кислота ангидридининг калий винилат билан реакциясида 70 % унум билан 4-метокси бензой кислотанинг винил эфири ҳосил бўлди. Калий учламчи бутилатдан 2.0 эквивалент миқдорда ишлатилганда маҳсулот унуми 41 % ни ташкил этди.



Синтез қилинган 4-метокси бензой кислотанинг винил эфири ИҚ-, ^1H - ва ^{13}C -ЯМР спектроскопия натижалари қуйида келтирилган.

4-Метокси бензой кислотанинг винил эфири. ИҚ-спектр, cm^{-1} : 2975 (CH_3), 1724 ($\text{C}=\text{O}$), 1645 ($-\text{CH}=\text{CH}_2$), 1607 (C_6H_6), 1425 ($=\text{CH}$), 1261 ($\text{C}-\text{O}-\text{C}$). ^1H -ЯМР (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 8.07 (д, $J=9.2$, 2-6 C, 2H); 6.95 (д, $J=8.8$, 3-5 C, 2H); 5.05 (дд, $J=13.7, 1.5$, 1H, ($=\text{CH}_2$)); 4.67 (дд, $J=6.4, 1.5$, 1H, ($=\text{CH}_2$)); 3.87 (с, 3H, (CP_3)). ^{13}C -ЯМР: (400 МГц, CD_3OD , δ , м.у.): 163.9 ($-\text{COO}-$); 141.5 ($\text{CH}=\text{}$); 132.1, 2-6 C); 121.2; 113.8, 3-5C; 97.6 ($=\text{CH}_2$); 55.4 (OCH_3).

Синтез қилиб олинган винил эфирларнинг айрим физик константалари ва унуми қуйидаги жадвалда келтирилган (5-жадвал).

5-Жадвал

Синтез қилиб олинган винил эфирларнинг айрим физик константалари ва унуми


№	Синтез қилинган винил эфирлар	$T_{\text{кайн.}}$ $^{\circ}\text{C}/\text{мм.си}$ м.у.с.	$T_{\text{суюк.}}$ $^{\circ}\text{C}$	n_{d}^{20}	d_{n}^{20} $\text{г}/\text{см}^3$	Унум, %
1	$\text{C}_6\text{H}_5\text{COOCH}=\text{CH}_2$	66-67/50	-	1.5346	1.0713	60
2	4- CH_3 - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	72-73/50	-	1.5894	1.1232	41
3	4- CH_3O - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	57-59	-	-	70
4	3,4- $(\text{CH}_3\text{O})_2$ - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	64	-	-	56
5	2- Br - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	88-91/50	-	1.4653	1.2899	45
6	4- Br - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	58-60	-	-	58
7	4- F - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	79-80/50	-	1.4728	1.2871	66
8	3- F_3C - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	57-59	-	-	43
9	3- NO_2 - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	75-77	-	-	55
10	4- NO_2 - $\text{C}_6\text{H}_4\text{COOCH}=\text{CH}_2$	-	59-61	-	-	44

Жараёнда 3-нитро, 4-фтор, 4-бром ва 4-метокси бензой кислотаси ангидридларига мос келадиган винил эфирларнинг унуми юқори бўлиши аниқланди. Олинган барча винил эфирлар тузилиши ИҚ-, ^1H -, ^{13}C -спектроскопия ва хромато-масс спектрометрия усуллари асосида таҳлил қилинди.


Ароматик ҳалқада турли ўринбосар тутган бензой кислота ҳосилалари

билан 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазиннинг N-метилморфолин иштирокидаги реакцияси натижасида карбон кислоталарнинг фаол триазин эфирлари синтез қилинди. Ушбу олинган моддалар калий учламчи бутилат иштирокида винилацетат билан реакцияга киришиб мос равишдаги ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтез қилинди.


Ишда винилацетат асосида ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари катализатор иштирокисиз самарали синтез қилинди.




Дастлаб ароматик карбон кислота билан 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазиннинг N-метилморфолин иштирокидаги реакциясидан карбон кислоталарнинг фаол триазин эфирлари ҳосил бўлади




Сўнгра карбон кислоталарнинг фаол триазин эфирлари билан винилацетатнинг реакциясидан мос равишдаги ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари ҳосил бўлади.




Жараёнда дастлаб 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин билан N-метилморфолин реакцияга киришиб, оралик фаол комплексни ҳосил қилади.



Комплекс эса ароматик карбон кислоталар билан таъсирлашиб кислоталарнинг фаол триазин эфирлари: 2-арилокси-4,6-диметокси-1,3,5-триазинларни ҳосил қилади.



Синтез қилинган карбон кислоталарнинг фаол триазин эфирлари калий учламчи бутилат иштирокида винилацетат билан реакцияга киришиб, мос равишдаги ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирларини ҳосил қилади.



Жараёнда карбон кислотанинг триазин фаол эфири билан винил гуруҳининг алмашиниш реакцияси ўтказилди. Ароматик ҳалқадаги ўринбосарнинг электрон эффекти реакция унумига таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг **бешинчи бобид**а фойдаланилган карбон кислоталар ва уларнинг винил эфирларини электрон тузилиши, фазовий геометрияси ўрганилди, квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилди ва таҳлил қилинди.

ХУЛОСА

1. Айрим гидроксид ва икки асосли карбон кислоталар: 2-гидроксид этан кислота, 2-гидроксид пропион кислота, 2-гидроксид-2-фенил этан кислота, глутар ва адипин кислоталарни рух ацетат, мос равишдаги карбон кислотанинг рухли тузи ва кам миқдорда Льюис кислоталари: $ZnCl_2$, $CrCl_3$, $FeCl_3$, $AlCl_3$, $AlCl_3 \cdot 6H_2O$ катализаторлари иштирокида гомоген шароитда ацетилен билан виниллаш жараёни олиб борилди, мақбул шароит сифатида катализатор – мос карбон кислотанинг рухли тузи+ $AlCl_3 \cdot 6H_2O$; ҳарорат $120^\circ C$, реакция давомийлиги 4 соат эканлиги аниқланди.

2. Винил эфирлар синтези турли ўринбосар тутган ароматик карбон кислоталарнинг винилацетат билан реакцияси 2-хлор-4,6-диметокси-1,3,5-триазин иштирокида амалга оширилди.

3. Турли ўринбосар тутган ароматик карбон кислоталарнинг винил эфирлари синтези кислота ангидридига винилацетат таъсири орқали амалга оширилди. Маҳсулот унумига дастлабки моддаларнинг табиати ва мол нисбати таъсири аниқланди. Метоксибензой кислота винил эфирининг максимал унуми (70 %) бўлиши ангидрид:винилацетат мол нисбати 1:1.2 бўлганда ҳосил бўлиши кўрсатилди.

4. Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ИҚ-, 1H -, ^{13}C -спектроскопия ва хромато-масс-спектрометрия усуллари ёрдамида исботланди, уларнинг айрим физик доимийликлари аниқланди ҳамда замонавий компьютер дастурлари ёрдамида бошланғич кислоталар ва уларнинг винил эфирларини квант-кимёвий ҳисоблашлари амалга оширилди. Кислотанинг карбонил гуруҳидаги кислород атомида электронлар зичлиги юқорилиги виниллаш жараёни кетишига имкон берадиган реакцион марказ эканлиги кўрсатилди.

5. Синтез қилинган винил эфирларнинг металл биокоррозиясини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши биологик фаоллиги ва ўсимликлар ўсишида биорегуляторлик хоссалари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ПАРМАНОВ АСКАР БАСИМОВИЧ

**ВИНИЛИРОВАНИЕ КАРБОНОВЫХ КИСЛОТ, СВОЙСТВА И
ПРИМЕНЕНИЕ ПОЛУЧЕННЫХ СОЕДИНЕНИЙ**

02.00.03 - Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертация доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.3.PhD/К69.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyو.nuuz.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Нурманов Сувонкул Эрханович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махсумов Абдухамид Гафурович
доктор химических наук, профессор

Матчанов Алимжан Давлатбоевич
доктор химических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится “___” _____ 2019. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (99871) 246-07-88, факс: (+99824) 246-02-24. E-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № ____). Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № ____ «___» _____ 2019 г.)

Х.Т. Шарипов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., профессор

Д. А. Гафурова
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

А.К. Абдушукуров
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире актуальными задачами являются синтез новых видов органических соединений путем внедрения современных технологий в химическую промышленность, создание на их основе полимерных и пластиковых материалов с уникальными свойствами, растворителей, фунгицидов, стимуляторов, антибиотиков, гормонов, клеев и красителей. К таким соединениям можно отнести сложные виниловые эфиры карбоновых кислот. Анализ научных исследований в области органической химии в мире за последние годы показал, что на основе виниловых соединений синтезируются биологически активные и различные другие соединения. Это представляет особый интерес для дальнейшего развития химической области.

В мире ведутся научные работы по синтезу виниловых эфиров карбоновых кислот с использованием гомогенных и гетерогенных каталитических систем, разработка высокоэффективных методов повышения выхода продукта, определение структуры и свойств виниловых эфиров карбоновых кислот современными физико-химическими методами, применение их в качестве ингибиторов биокоррозии, биостимуляторов в сельском хозяйстве.

В последние годы в Республике осуществлен комплекс мер по организации на высоком уровне научных исследований в направлении развития производства новых видов продукции в химической промышленности и обеспечению местного рынка импортозамещающими химическими препаратами, достигнуты определенные результаты. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособных отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. В связи с этим важное значение имеют синтез, определение структуры и биологически активных соединений на основе виниловых эфиров гидрокси- и ароматических карбоновых кислот.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья» и ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.

Это исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VII. "Химические технологии и нанотехнологии".

Степень изученности проблемы. Интенсивно развивается научно-исследовательская работа по химии, физике, технологии и применению виниловых эфиров карбоновых кислот.

В республике ряд ученых провели научные исследования в области химии ацетиленовых соединений, в том числе Т.С.Сирлибаев создал фундаментальные теоретические закономерности химических процессов, происходящих на основе ацетилена. Под руководством Юсупова Д.А. на основе ацетиленовых углеводородов синтезированы новые комплексоны, ионообменные смолы, ингибитор соляной слой и антикоррозионные ингибиторы, которые внедрены в промышленность. Под руководством Махсумова А.Г. на основе пропаргилового спирта синтезированы сложные гетероциклические соединения различной структуры и определены области их применения в медицине. А. Икромов добился увеличения выхода продуктов путем применения различных гетерогенно-каталитических систем в химии ацетиленовых углеводородов и внедрил новые катализаторы в промышленное применение. О.Э.Зиядуллаевым различными способами были синтезированы ароматические ацетиленовые спирты и их виниловые эфиры.

За рубежом в этом направлении работы ведут У.Реппе, Б.А.Трофимов и Ж.Ж.Кейжспер, посвященные синтезу виниловых эфиров карбоновых кислот на основе каталитических систем. Внесли огромный вклад в развитие этого направления Ф.М. Киммих созданием технологии синтеза бензойной кислоты на основе ацетиленам гетерогенно-каталитическим методом с участием платинового катализатора, Э.Дрент синтезом виниловых эфиров под высоким давлением с участием катализаторов рутения, кадмия, солей меди из разветвлённых карбоновых кислот и ацетилена, китайский учёный Жун Гао синтезом винилового бензоата из винилацетата реакцией винилообмена с участием катализаторов платины, нанесенных на углерод, Э.Т. Тостенсон синтезом нанокompозитов углеродных нанотрубок/виниловых эфиров, М.Л.Давис процессом циклопропанации виниловых эфиров, С.Харрисон процессом полимеризации виниловых эфиров, Ш.Жасавл исследованием процесса декомпозитирования резины на основе винилового эфира.

